ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ ҒАМХЎРЛИГИГА ЖАВОБАН ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРАМИЗ!

БИЗ КПСС ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИ, ССР ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТИНИ ВА ШАХСАН СИЗНИ, АЗИЗ НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ, ИШОНТИРИБ АЙТАМИЗКИ, ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТОНА ОИЛАСИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ — СИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛТИНДАН ҚИММАТ ДЕБ АТАГАН БУ КАТТА БОЙЛИГИНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ЎЗЛАРИНИНГ КУЧ ВА ҚУВВАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида ўртоқ Н. С. Хрушчевга қабул қилинган хатдан.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 76 (12.429) | Шанба, 30 март 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

КОЛХОЗЧИЛАР МАМНУН

Колхозимиз областдаги кам қувват ва паст ҳосилли хўжаликлардан бири. Ўтган йили область ҳар гектар ердан қарийб 30 центнердан хирмон кўтаргани ҳолда биз 24,3 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олдик.

Бунга аввало колхоз правлениеси ва партия ташкилоти айбдордир. Чунки биз пахта етиштиришга ортиқча меҳнат-маблағ сарфланишига йўл қўймоқдамиз. Ем-хашак сотиб олишга, техникани ремонт қилишга ва бошқа ишларга ҳам кўплаб пул сарфлаб юборилмоқда. Бунинг натижасида бўлинмас фондга жуда кам маблағ ажратилмоқда, колхозчиларнинг меҳнатига оз пул тақсимлаб берилмоқда. Ўтган йили бўлинмас фондга 140 минг сўм қўйилди. Умумий даромаднинг фақат 34 проценти колхозчиларга тақсимланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва сотиш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида»ги қарори билан танишиб чиқар эканмиз, деҳқончилик ва чорвачилик ишларида жиддий хатоларга йўл қўйиб келаётганлигимиз янада равшан бўлиб қолди. Биз колхозчиларимиз билан маслаҳатлашиб, хўжаликнинг барча тармоқларини бирдек ривожлантириш, пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш тадбирларини белгиладик. 848 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 28 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбурияти олинди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм область, Гурлан районидаги Алишер Навоий номли колхоз раиси.

СОВЕТ ПАХТАЧИЛИГИНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН!

Кеча матбуотда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Партия ва ҳукуматимиз колхоз ва совхозларнинг пахта етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш ва колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни кўпайтириш мақсадида колхозлар томонидан давлатга сотилаётган совет навлари (ўрта толали навлардан) бўлган пахтанинг харид нархлари 1963 йил ҳосилидан бошлаб ўрта ҳисобда 20 процент ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари томонидан давлатга топширилаётган пахтанинг топшириш нархларини ўрта ҳисобда 12 процент оширишни зарур деб топдилар.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳисобига колхозчиларга бериш учун пахтакор колхозларга республика учун ажратилган ун ва донниng бозор фондлари доирасида давлатга топширилган совет навлардан бўлган пахтанинг ҳар бир тоннаси бадалига 3 центнергача ва ингичка толали совет навларидан бўлган пахтанинг ҳар бир тоннаси бадалига 4 центнергача бўлган миқдорда дов беришни ҳисобга олиб, ун ва озиқ-овқат дони сотиш тартибини ўз ҳоҳишларича белгилаш ҳуқуқи берилди.

Капитал ишларнинг давлат планлари бўйича амалга ошириладиган сув хўжалиги объектларини қуришда ўз ҳиссалари билан қатнашишдан колхозлар 1964 йилдан бошлаб озод қилинади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу тарихий қарори мамлакатимиздаги барча пахтакор республикалар сингари, иттифоқимизнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг зафарларга, буюк ватанпарварлик ишларига сафарбар этмоқда. Республикамизда пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Пахтачилик мустаҳкам техника базасига эга бўлди ва юксак механизациялашган тармоққа айланди. Пахта етиштиришнинг янги, прогрессив усуллари қўлланилди. Ҳозирги вақтда ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш ишлари тўла равишда машиналаштирилди, пахтани қоп-қанорсиз ташиш жорий қилинди. Республикамизда ўнлаб йирик гидротехника иншоотлари қурилди. Яна шу нарса қувончлики, партия ва ҳукуматимизнинг доимий оталарча ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистонда Чимқўрғон сув омбори, далаларни машина билан суғорадиган Аму—Бухоро канали ва Чорвоқ гидроузели, Жанубий Сурхон сув омбори ва Шеробод магистрал канали, Каркидон сув омбори ва Тошкент канали, Пачкамар сув омбори ва Хатирчи канали қурилмоқда, Қарши даштларини ўзлаштириш учун тайёргарлик кўрилаётир.

Республикамиз меҳнаткашлари пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисида, совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида қилинаётган ана шу янги, ажойиб ғамхўрлик учун партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига, жонажон ҳукуматимизга, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга чин кўнгилдан ташаккур айтмоқдалар, миннатдорчилик билдирмоқдалар, раҳмат демоқдалар. Газетамизнинг кечаги ва бугунги сонларида колхоз раислари, совхоз мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари, бригадирлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг мақолалари босилди. Бу мақолалар партия ва ҳукуматимизга буюк ташаккур, битмас-туганмас садоқат, меҳр-муҳаббат туйғулари билан, қалб ҳарорати ва оташин сўзлар билан тўлиб-тошган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори янги вазифаларга, буюк ишларга рўҳлантирмоқда. Биз бу ғамхўрликка фақат бир нарса билан — севикли Ватанимизга кўпроқ пахта етказиб бериш билан жавоб беришимиз керак. Кўпроқ пахта етиштириш учун эса бизда ҳамма нарса, қудратли техника, ер ва сув, ишбилармон кадрларимиз бор. Колхоз ва совхозларимизда Ватан ва халқ манфаатларини ўз ларининг энг биринчи бурчлари деб ҳисоблаб қаҳрамонона ва ажойиб меҳнат қилаётган қўли гул кишиларимиз бор.

Бу йил республикамиз пахтакорлари олдида улуғвор вазифалар турибди. Она-Ватанимизга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз керак. Далаларда меҳнат ғайрати жўш урмоқда. Машиналарнинг гуруллаган овозлари янграмоқда. Ўзбекистоннинг жанубида чигит экиш бошланди. Пахтакорларимизнинг асосий бурчи чигитни аъло даражада экиб, бир текис ва бакувват ундириб олишдан иборатдир. Ёвларни яшилаб ҳайдаш, квадратларнинг аниқ бўлишига эришиш, чигитни қисқа муддатда агротехника қоидалари асосида тез ва сифатли экиб олиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши қураш, барча техника ва машиналарнинг тўла ва унумли ишлашига эришиш асосий вазифадир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида бундай дейилади: **«КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советн пахтанинг харид ва топшириш нархлари оширилганлигини колхозларга ва совхозларга катта молиявий ёрдамдир, деб ҳисоблайдилар. Партия ва совет органлари, колхоз, совхоз (совхоз-колхоз) ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар ва совхозлар шу ёрдамдан фойдаланиб, шу бу йилнинг ўзидаёқ пахта етиштиришни анча кўпайтиришга ва колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақни оширишга эришмоқлари лозим».**

Партия, совет, хўжалик, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, ишлаб чиқариш бошқармалари бу тарихий қарорни ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси онгига тўла етказиши, уларни пахта етиштиришни кўпайтиришга сафарбар этиши, қишлоқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида буюк ватанпарварлик ташаббусларини ва ҳаракатларини кенг канот ёйдиришлари, партия ва ҳукуматнинг чақириғига жавобан астойдил меҳнат қилиб, давлат планлари ва мажбуриятларини шараф билан бажаришга эришишлари лозим.

Совет пахтачилигини тинмай ривожлантирайлик. Халқимиз бойлиги, ифтихоримиз, шон-шарафимиз бўлган «оқ олтин»ни янада кўпроқ етиштириш учун курашайлик!

СУРАТДА: Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳисобчиси Эртой БЎРОНБОЕВ колхозчиларга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб бермоқда.
И. Глауберзон фотоси.

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Партиямизнинг шонли XXII съезди мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини тасдиқлади. Биз совет колхозчи-деҳқонлари ўз ҳалол меҳнатимиз билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилишимиз керак. Шу соҳада ҳормай-толмай меҳнат қиляпмиз. Партия ва ҳукуматимиз ҳалол меҳнатимизга юксак баҳо бермоқда. Пахта нархининг оширилиши, пахтакор хўжаликларга арзон нархда ғалла сотилиши бизлар ҳақимизда қилинаётган ғамхўрликлардан яна биридир.

1963 йил колхозимиз аъзолари учун синов йилидир. Биз янги қарорни қизғин муҳокама қилар эканмиз, давлатга шартномада кўрсатилган 3150 тонна пахтанигина эмас, балки ўтган йили зиммамизда қолган 650 тонна «оқ олтин»ни ҳам етказиб беришга қарор қилдик. Колхозчиларимиз ўз сўзининг устидан чиқиш учун ҳамма участкаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Қарорда давлатга юқори сорт пахта сотган хўжаликлар кўп даромад олиши алоҳида таъкидланган. П. Фозилов, Р. Абдурахмонов, С. Эшпўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадалар бу йил ҳар гектар ердан 35-40 центнердан биринчи сорт пахта етиштириш ташаббусини бошладилар. Бу ташаббусни умум ҳаракатга айлантирамиз. Бунинг натижасида колхозимизнинг ялпи даромади кескин кўпаяди.

Ҳ. ОҚИЛОВ,
Жиззах районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

ЧИГИТ ЭКИШ АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

ТЕРМИЗ, 28 март. (ЎзТАГ). Термиз ва Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликлар кетидан Шеробод водийсидаги пахтакорлар ҳам чигит экишга киришдилар. «Партия XXII съезди» колхозида А. Жумаев бошлиқ бригада Шеробод ишлаб чиқариш бошқармаси зонасида биринчи бўлиб далаларга ингичка толали пахта экадиган агрегатларни чиқарди.

Чигит экила бошлаган биринчи кунларданоқ агротехника жиҳатидан қаттиқ контроль ўрнатилди. Агрономлар ҳаво-иссиқлик режимини доим кузатиб турибдилар. Тупроқ тобига келиши билан сеялкалар чигит экишга киришадилар.

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Фарғона. Қишлоқ меҳнаткашлари партиянинг пахтакорлар тўғрисида ва совет пахтачилигини ривожлантириш ҳақида қилаётган ғамхўрлигини ҳар доим чексиз миннатдорлик билан чуқур ҳис этиб келмоқдалар.

Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Одилов қуйидагиларни айтди:

— Колхозимизнинг аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигини ўз сўзимиз устидан чиқиш учун ҳамма пахтакор колхозларга ғалла сотиш ҳақидаги қарорини баланд руҳ ва зўр маъмуният билан кутиб олдилар. Бу қарор партия ва ҳукуматнинг колхозларнинг экономикасини ривожлантириш ва пахтакорларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида оталарча ғамхўрлигини ҳар доим чексиз миннатдорлик билан чуқур ҳис этиб келмоқдалар.

Колхозимизнинг аъзолари ҳам бу ғамхўрликка жавобан далаларда фидоюрона меҳнат қилишга қарор бердилар. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯГА РАҲМАТ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати моддий бойлик яратувчилар ҳақида, мамлакатимиз меҳнаткашларининг турмушини тобора яхшилаш тўғрисида бенихоя катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва сотиш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида»ги қарори ана шунинг яна бир ёрқин далилидир.

Бу қарор барча совет деҳқонлари сингари колхозимиз аъзоларини ҳам янги меҳнат зафарларига рўҳлантирмоқда. Колхозчиларимиз партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрлигига жавобан 1105 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йилги 24 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Колхозимизда чигит экишга тайёргарлик ишлари тугалланай деб қолди. Ерлар ҳайдалиб, чигит экишга тайёрланмоқда. Экин майдонларини суғориш ва ернинг шўрини ювиш асосан тамомланди.

Жонажон партия ва ҳукуматимиз қарори пахтакор хўжаликларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган ғоят муҳим тадбирдир. Лекин хўжаликни ривожлантириш учун бунинг ўзигина кифоя қилмайди. Колхозчиларимиз буни жўда яхши тушунадилар. Улар партиядан жуда миннатдор эканликларини далаларда — мўл ҳосил ҳал қилинадиган жойларда амалий иш билан кўрсатмоқдалар.

А. ОЛЛАЕРОВ,
Норпой районидаги «Самарқанд» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советн депутати.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

«УЛТИМА ОРА» ГАЗЕТАСИ ДИРЕКТОРИ П. СИЛВЕЙРАНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Бразилиядаги «Ултима ора» газетасининг директори Пауло Силвейра СССР Министрлар Советн Раиси Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, бир канча саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Н. С. Хрушчевнинг жавоблари қуйида келтирилади.

Савол. Сизнинг фикрингизча, Бразилия билан СССР ўртасида дипломатик муносабатлар тикланганлигининг бевосита ва бавосита натижалари, шунингдек ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо алоқаларини кенгайтиришнинг яқин келгусидаги истикболлари қандай?

Жавоб. Буюк социалистик давлат бўлган Совет Иттифоқи билан Латин Америкасининг энг катта мамлакати — Бразилия ўртасида дипломатик муносабатлар тикланганлиги мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ишонч муносабатларини, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка, бир-бирларининг суверен ҳуқуқларини ҳурматлашга асосланган муносабатларни ривожлантирмоқ учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

Мамлакатларимиз ўртасида бир-бирлари билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай низоли масалалар йўқ. Биз аминмизки, Бразилия билан Совет Иттифоқи яхши дўст бўлишлари мумкин ва бундай дўстлик халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва бутун дунёда тинчликни сақлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Иккала мамлакатимиз ўртасида дипломатик муносабатлар тикланганлигининг ижобий аҳамияти, аввало, мана шунинг ўзида, деб биламиз.

Тўғри, Латин Америкаси мамлакатлари билан, ҳаттоки, бошқа мамлакатлар билан Совет Иттифоқи иноклик муносабатларини ўрнатаётганлиги баъзи бировларга ёқмайди. Лекин чинакам халқаро ҳамкорликни ҳақиқатан истаган кишилар Совет Иттифоқининг бошқа давлатлар билан яхши муносабатларидан ҳавотирланиши мумкинми; ахир, деган савол туғилади. Ахир, биз, масалан, Америка Қўшма Штатларининг бошқа давлатлар билан ўз муносабатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари асосида — яхши қўшнилар каби бир-бирлари билан тинчликда яшаш, ички ишларга аралашмаслик, давлатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини ҳурматлаш принципларига асосланиб қуришига қарши эътироз билдираётганимиз йўқ-ку. Аксинча, биз буни ҳар томонлама табриклаймиз.

Биз ўзимиз сизларнинг Шимолдаги қўшнингиз бўлган Қўшма Штатлар билан ҳам, бошқа мамлакатлар билан ҳам яхши муносабатларда бўлишга қаратилган сиёсат ўтказмоқдамиз. Агар бунга қарама-қарши нуқтаи назарга амал қилинадиган бўлса, бундай қилиш бир давлатни иккинчи давлатга гиж-гижлаш, давлатлар ўртасида, халқлар ўртасида гумонсираш ва ишончсизлик уруғларини сочиш йўлига тушиб олиш бўлади. Лекин бу тинчликка, халқларнинг хавфсизлигини таъминлашга олиб борадиган йўл бўлмайди, шу сабабли, Бразилияда ҳам бу хусусда шундай фикрга амал қилинаётганлигига бизда шак-шубҳа йўқ.

СССР билан Бразилия ўртасида ўрнатилган дўстона муносабатларнинг самарали таъсири мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқнинг ривожланиб бораётганлигида кўриниб турибди. Биз муносабатларни тиклаб олганимиздан кейин ўтган вақт ичида, — муносабатларни тиклаб олганлигимиздан бери эса орада бир йилдан кўпроқ вақт ўтди, — мамлакатларимиз ўртасидаги товар оборотн 1961 йилдагига нисбатан бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди. Янги савдо ва тўлов битими тузиш тўғрисида ҳозир Рио-де-Жанейрода музокаралар олиб борилмоқда. бу битим Совет-Бразилия савдо алоқаларини янада анча кенгайтиришга имкон беради, ҳар иккала томонга мансфаатли бўлган мана шундай ҳамкорлик йўлларини кидириб топадилар. Биз бундай ҳамкорликка тарафдормиз.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛАТИН АМЕРИКАСИНИНГ КУБА БИЛАН БИРДАМЛИК КОНГРЕССИГА

Латин Америкаси халқларининг Куба халқи билан ўз бирдамлигинн изҳор қилмоқ учун шу конгрессга тўпланган вакилларини совет халқи номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин табриклайман.

Латин Америкасидаги эрксевар кишилар, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги холис ниятли кишилар Куба билан бирдамликни, Кубанинг мард халқини қувватлашни ўзларининг муқаддас интернационал бурчлари деб ҳисоблайдилар. Ўз йўлини ўз хоҳиши билан танлаб олган Куба халқи ўзининг озодлигини қўриқлаб, мустақил ривожланишга бўлган ўзининг суверен ҳуқуқини ҳимоя қилмоқда. Куба халқининг озодлигини ва унинг ўз социал-иқтисодий тузумини танлаб олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш — Куба учун ва Куба халқининг ҳуқуқлари учун курашгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳамма халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқлари учун ҳам курашдир. Шу сабабли, жаҳон халқлари эрксевар Куба халқининг ички ишларига аралашиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар.

Сизларнинг конгрессингиз Куба революциясининг душманлари Кубага қарши хусумат кампаниясини яна зўр куч билан авж олдиришга уринаётган шароитда тўпланди. Сан-Хоседаги кенгаш қатнашчиларининг ўқиндагина тил бириктирганликлари озодлик оролн устида яна хавф пайдо бўлаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бундай вазиятда Латин Америкасидаги илғор ижтимоий кучларнинг, жаҳондаги ҳамма халқларнинг Куба Республикаси билан бирдамлиги айниқса катта аҳамият касб қилмоқда.

Совет кишиларига келганда, улар революцион Куба билан ҳамиша бирга бўлиб келдилар ва бирга бўлиб қоладилар. Улар қардош Куба халқининг ўзининг порлоқ келажагини қуришига, ўз ғалабаларини ҳимоя қилишига ёрдам бериб келдилар ва бундан буён ҳам ёрдам берадилар.

Конгресс қатнашчиларига Кубанинг қаҳрамон халқи билан амалий бирдамликни ва дўстликни ривожлантириш учун олижаноблик билан олиб борилаётган курашда муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

АМУ—БУХОРО КАНАЛИДА



⊙ Республикада энг йирик насос станция. ⊙ Станция Амударёдан олинган сувни 48 метр баландликка кўтаради. Бу, 16 қаватли уй баландлигига тенгдир. ⊙ Канал узунлиги — салкам 200 километр. ⊙ Амударёдан канал орқали ҳар йили олинадиган 2 миллиард 300 миллион кубометр сув Бухоро ва Самарқанд ерларига янги ҳаёт бағишлайди. ⊙ Канал пахта ҳосилдорлигини гектар бошига тахминан 2-3,6 центнер ошириш имкониятини беради. ⊙ Аму—Бухоро канали қурилиши — умумхалқ иши. У коммунизм учун хизмат қилади.

КВАРТАЛ ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Коммунистик меҳнат магистрали номини олиш учун курашаётган Ўрта Осиё темир йўли коллективи катта ғалабани қўлга киритди: юк ортиш бўйича квартал плани муддатидан илгари бажарилди.

Йил бошидан бери оғир юкли поездларда нормадан ташқари 2 миллион тоннадан ортиқ юк ташилди, вагон обороти 1,9 соатга, юк поездларининг участка тезлиги 0,9 километрга тезлашди.

Темир йўлчилар квартал охиригача планга қўшимча равишда яна бир неча юз минг тонна халқ хўжалик юкларини ортиб жўнатиш мажбуриятини олишди.

Ю. МАНСУРОВ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

«УЛТИМА ОРА» ГАЗЕТАСИ ДИРЕКТОРИ П. СИЛВЕЙРАНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Савол. СССР мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Бразилия билан савдо-сотиқ қилишдан ташқари актив иқтисодий ҳамкорлик сиёсатини ўтказишни мумкин деб ҳисоблайдими?

Жавоб. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ўз миллий экономикасини ривожлантиришга, ўз халқларининг фаровонлигини оширишга интилаётганлигини тушуниб, шунга яраша иш қилмоқда. Шу сабабли, бизнинг мамлакатимиз бошқа давлатларга иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқда. Иқтисодий ривожланиш соҳасидаги тажрибаларини баҳам кўрмоқда. Бошқа мамлакатларнинг ўз экономикаларини ривожлантиришларига кўмаклашиш билан биз бу мамлакатнинг суверенитетини бузадиган бирор сиёсий ёки бошқа шартлар қўяётганимиз йўқ, балки биз ўзаро муносабатларимизни тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда СССР худди шу асосда кўпгина ажнабий давлатларга иқтисодий ва техника ёрдами бермоқда. Бошқа мамлакатларда шу мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, 480 тадан кўпроқ саноат корхоналари, электростанциялар ва бошқа объектлар қуриб берди ва қурмоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига Совет Иттифоқи кўрсатаётган қардошлик ёрдами тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Бизга маълумки, Бразилия ҳукумати чет эл монополистик капиталига қарам бўлмайдиган миллий экономикани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадини ўз олдига қўйиб, 1963-65 йилларга мўлжалланган ва шу давр ичида миллий ишлаб чиқаришни йилига 7 процент миқдорида ўстиришни кўзда тутган уч йиллик планни ишлаб чиқди. Биз Бразилия халқига шу планни амалга оширишда ҳар қанча муваффақиятлар тилаймиз.

Совет ҳукумати Бразилия ҳукумати билан иқтисодий ҳамкорлик масаласини муҳокама қилишга ва Бразилия саноатининг ривожланишига кўмаклашишнинг ўзаро мақбул формаларини топишга тайёр. Масалан, зарур машиналарни ва ускуналарни СССРдан етказиб бериш тўғрисида, совет мутахассисларини Бразилияга юбориш тўғрисида, Бразилия мутахассисларини СССРда тайёрлаш ва ўқитиш тўғрисида битимга келиш мумкин бўлур эди.

Бразилияда, масалан, қурилиш, архитектура соҳасида қилинаётган ишлардан совет кишилари ҳам кўпгина фойдали нарсаларни ўрганиб олишлари мумкин бўлур эди, деб ўйлайман. Бинобарин, бизнинг фикримизча, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун жуда реал асос бор.

Савол. Қўшма Штатлар Кубани яккалаб қўйиш чораларини кўрганликларига қарамай, Кубадаги социал ва иқтисодий тузилишнинг янги формалари ижобий натижалар бериши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб. Аввал бошданоқ меҳнаткашлар революцияси ва меҳнаткашлар учун революция бўлган Куба революциясининг ғалабасидан кейин ўтган вақт ичида Куба Республикаси катта ижобий натижаларга эришди. Бу натижалар, аввало, ижтимоий тузум чинакам халқчил, социалистик характерда бўлганлигининг оқибатидир, бу тузум миллий бойликлардан ва меҳнат самараларидан бутун Куба халқининг манфаатлари йўлида фойдаланишни таъминлайди. Асосий ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари меҳнаткашлар қўлига ўтганлиги ҳал қилувчи фактор бўлди. Мамлакатда радикал ер ислоҳоти ўтказилди, ер ишлаганларники бўлиб қолди. Илгари чет эл монополияларининг бўлган йирик саноат, савдо ва молия корхоналари национализация қилинганлиги натижасида Куба халқи шу корхоналарнинг ҳўжайини бўлиб қолди. Куба — Латин Америкасида аҳолининг саводсизлигини тугатган биринчи мамлакатдир.

Куба халқи ўз йўлбошчиси Фидель Кастро бошчилигидаги революцион ҳукумат раҳбарлигида ўтмишнинг оғир меросини — қишлоқ хўжалигининг фақат битта экинши экишга асосланиб қолганлигини тугатиш ишида ажойиб муваффақиятларга эришди. Миллий экономикани янада ҳар томонлама ривожлантирмоқ, мамлакат меҳнаткашларининг моддий даражасини ва маданий савиясини оширмоқ учун негиз вужудга келтирилди.

Америка Қўшма Штатларининг империалистик доиралари томонидан бўлаётган агрессив ҳаракатлар туфдираётган катта қийинчиликларни озод Куба тугатиш билан муттасил шуғулланишга мажбур бўлмаганида эди, бу муваффақиятлар, ҳеч шубҳасиз, тағин ҳам каттароқ бўлур эди.

Кариб денгизи районидаги хатарли танглик тинч воситалар билан бартараф қилинган ва урушнинг бевосита хавфи йўқотилган ҳозирги вақтда ҳам шу райондаги вазиятни тўла равишда нормаллашган, деб ҳисоблаш мумкинми.

Бу саволга, афсуски, нормаллашгани йўқ, деб жавоб беришга тўғри келади.

Қўшма Штатлар Кубага бостириб кирмаслик тўғрисида ўз зиммасига мажбурият олгани ҳолда, айни вақтда Куба революциясига нисбатан ўзининг душманлик сиёсатидан, Кубадаги мавжуд тузумни тугатишга, Америка монополистларининг ҳукмронлигини қайтаришга қаратилган ўз планларидан воз кечмаётганлигини воқеалар кўрсатиб турибди.

Куба билан савдо-сотиқ қилишни тўхтатишга, дипломатик, иқтисодий ва бошқа алоқаларни узишга эришиш мақсадида бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларига тазйиқ ўтказилмоқда. Яқинда АҚШ ҳукумати Кубанинг бошқа мамлакатлар билан савдо қилишини чеклаб қўйишга қаратилган янги чоралар кўрди. Бошқа сўз билан айтганда, АҚШдаги баъзи бир кимсалар Кубани, айниқса Латин Америкасида ташқи-сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйишга уринмоқдалар.

Яна бунинг устига, ҳатто, АҚШнинг ўзида «қутурганлар» деб аталаётган Американинг энг агрессив доиралари ҳозир Қўшма Штатлар ҳукуматини Кубага қуролли бостириб киришдек жинояткорона ва хоинлик йўлига тушиб олишга ундамоқдалар. Улар фикри бошқача бўлган кўпчига тоқат қилиб бўлмайди, Куба Қўшма Штатларга таҳдид туғдирмоқда, деган гапларни айтмоқдалар. Лекин кичкина Куба Қўшма Штатларга таҳдид қилиши мумкинми, ахир? Агар давлатлар ўзларининг бир-бирлари билан муносабатларини шунга ўхшаш «принципларга» қурадиган бўлсалар, бунинг оқибати нима бўлади? Қўшинг сенга ёқмаса, унга қарши армия юбора бер. Бошқа мамлакат ҳукуматининг фикри-зикри сенга ёқмай қолса — уруш эълон қила бер, қуролли кучларинг юбора бер. Лекин бундай қилиш — ўзбошимчалик бўлади-ку, суверен давлатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш сиёсати бўладику. Мана шуларнинг ҳаммаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларини ҳурматлашга, барча давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурматлаш ва тенг ҳуқуқлилик принципларини ҳурматлашга мувофиқ келади, деб қандай қилиб айтиш мумкин.

Хўш, нима учун Куба халқи ўзининг ички ишларини ўзи хоҳлаганича эмас, балки Шимолий Америка монополиялари истаганича ҳал қилиши лозим? Катта давлат кичик мамлакатга ўзининг айтганини зўрлаб қилдира беради, шу мамлакатнинг сиёсати ёки социал тузуми империалистик монополияларга ёқмаганлиги учун шу мамлакатни бўғишга урина беради, деб фараз қилинадиган бўлса, у ҳолда бугун Куба, эртага Латин Америкасининг иккинчи бир мамлакати, индинга эса учинчи мамлакати ҳам халқаро ишлардаги ўзбошимчаликнинг ва зўравонликнинг қурбонларига айланиб кетган бўлур эди.

Лекин Куба халқи ўз мамлакатида ўрнатган ижтимоий-сиёсий тузум унинг ички ишидир. Куба мамлакати Куба халқиникидир, шу сабабли, ўз тақдирининг ҳўжайини бўлган Куба халқигина ўз юртида қандай тартиб ўрнатиш масаласини ҳал қилишга ҳақлидир. Куба ўз суверенитетини ҳимоя қилиб, ҳамма мамлакатлар билан нормал, тотув қўшничилик муносабатларида бўлишни истайди, бу эса Кариб денгизи районидаги аҳволни тўла равишда нормаллаштирмоқ учун Куба ҳукумати таклиф қилган бешта одилона моддада гоят равшанлик билан ифодаланган.

Кубанинг қаҳрамон халқи ўз шонли революциясининг ғалабаларини сақлаб қолади, янги ажойиб муваффақиятларга эришади ҳамда ўз йўлида турган ҳамма тўсиқларни ва қийинчиликларни енгади, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Империалистлар ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам, шонли Куба халқининг ўз мустақил давлатини қуришига халақит беролмайдилар.

Куба ўзининг адолатли курашида якка-ёлғиз эмас. У, социалистик мамлакатлар қудратли ҳамдўстлигининг, Латин Америкаси халқларининг, бутун прогрессив инсониятнинг қардошлик мададига ва бирдамлигига таянмоқда. Совет халқига келганда, яна бир марта шуни айтиш мумкинки, Совет Иттифоқи революцион Кубанинг содиқ дўсти бўлиб келди ва содиқ дўсти бўлиб қолади. Куба халқи ҳамиша бизнинг ёрдамимизга ва мададимизга таяниши мумкин, деб биз Куба халқига ваъда бердик. Биз кубалик дўстларимизни кулфатда қолдирмаймиз.

Савол. Латин Америкаси мамлакатлари, жумладан, Бразилия ҳозирги кундаги энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилиш ишларининг боришига, Сизнинг фикрингизча, қандай таъсир ўтказишлари мумкин?

Жавоб. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатларнинг бешдан бир қисмини ташкил этган Латин Америкаси мамлакатлари халқаро муносабатларда катта кучдир. Ҳозирги замоннинг муҳим халқаро проблемаларини ижобий ҳал қилишга реал таъсир ўтказмоқ учун уларнинг катта имкониятлари бор. Биз шуни мамнуният билан қайд қилаётирмизки. Латин Америкасидаги айрим давлатлар, жумладан, Бразилия ҳам, бу йўлда актив ҳаракат қилмоқдалар. Куба тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади, чунки Кубанинг тинчликни ва тинч-тотув яшашни ҳимоя қилаётганлигини миллион-миллион кишилар чин юракдан қизғин қувватладилар.

Бразилия президенти Гуларт жаноблари нинг, Бразилия ҳукуматининг халқаро муносабатларни нормаллаштириш учун курашда сарфлаётган куч ва ғайратини фақат табриклаш мумкин. Низоли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқдик ва Женевадаги 18 давлат комитетининг муҳокамасига киритдик. Шу шартнома қоидаларининг амалга оширилиши инсониятни термоядро қирғини хавфидан халос қилган бўлур эди, урушни инсоният ҳаётидан абадий чиқариб ташлаган бўлур эди.

Қуролсизланишнинг амалга оширилиши ҳозирги вақтда ҳарбий мақсадларга сарфланаётган жуда катта маблағдан — 120 миллиард доллар чамаси маблағдан халқларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондирмоқ учун ҳар йил фойдаланишга имкон берган бўлур эди. Ҳар шу маблағнинг, ҳатто бир оз қисми кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга сарфланганида, шу мамлакатлар ҳозирги аҳволнинг умри давомидаёқ ўзларининг иқтисодий қолоқликларини тугатган бўлур эдилар ва Англия ёки Франция сингари ривожланган мамлакатлардаги саноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасига яқинлашган бўлур эдилар.

Империалистлар, милитаристлар ўз хоҳишлари билан қуролсизланадилар, деб умид қилиб бўлмайди, албатта. Ғарбдаги агрессив доиралар қуролсизланиш ишини барбод қилмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар ва кўраверадилар. Қуролсизланишга ва давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчликка эришмоқ учун халқ оммаси актив ҳаракатлар қилиши лозим Фақат халқлар ўзларининг қатъий ҳаракатлари билан жаҳон уруши йўлига тўсиқ солишлари, қуролсизланишга эришишлари мумкин.

Савол. Европанинг «умумий бозори» тўғрисида ва унинг бошқа ғарбэларда хом ашё маҳсулотларини етказиб берувчи традицион мамлакатларнинг экономикасига таъсири тўғрисида Сизнинг фикрингиз қандай?

Жавоб. Европанинг «умумий бозори» империалистик давлатларнинг ўз ўрталаридаги шиддатли рақобат негизида вужудга келди. «Умумий бозор» фаолиятининг асосий йўлларидан бири социалистик лагерь мамлакатларига, шунингдек Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига қарши иқтисодий ва сиёсий кураш олиб боришдир.

Европа «умумий бозори»нинг халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўзлатига таъсир ўтказишига келганда, буни нормал иқтисодий муносабатларга зиён етказаётган зарарли таъсир, дейиш мумкин.

Совет Иттифоқи халқаро савдонинг ва иқтисодий ҳамкорликнинг камситишга ва сунъий тўсиқларга йўл қўйилмай, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ривожланиши учун муттасил кураш олиб келмоқда. Бундай иқтисодий ҳамкорлик турли социал системалардаги давлатлар тинч-тотув яшаш сиёсатининг пойдеворидир «Европа иқтисодий уюшмаси» ўз сиёсатини бутунлай бошқа йўлдан олиб бормоқда. Европа «умумий бозори»га бизнинг салбий муносабатимиз ҳам шу билан белгиланади.

Саноати юксак ривожланган ва «умумий бозор» аъзолари бўлган Европа давлатлари хом ашё манбаларига ва ўз саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорларга муҳтождирлар. Улар Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларининг хом ашё ишлаб чиқаришга ва етказиб беришга ихтисослашган ва айни вақтда саноат маҳсулотини бошқа мамлакатлардан сотиб оладиган мамлакатлар ҳолида узоқ йиллар давомида сақланиб қолишидан манфаатдордирлар. Аслини олганда, бу — мустамлакачиликнинг бир формаси бўлиб, мустамлакачи мамлакатларнинг тинмай бойишига, мустамлакачи мамлакатлар томонидан хом ашёси тортиб олинаётган мамлакатлар эса қашшоқликда қолишда давом эта беришга олиб келади. Экономистларнинг ҳаттоки энг кам ҳисоблаб чиқарган натижаларига қарганда ҳам саноат товарларининг нархи билан хом ашёнинг нархи ўртасидаги фарқ сабабли, Латин Америкаси мамлакатлари ҳар йил 1,5 миллиард долларга яқин маблағни бой бериб қўймоқдалар.

Латин Америкаси мамлакатларининг ўзлари буни яхши тушунаётганликлари кўринib турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида Бразилия делегати ўтган йилнинг сентябрида нархлар эквивалентсизлигининг ҳалокатли оқибатлари тўғрисида гапириб, Латин Америкаси мамлакатлари «бизнинг қитъамизга кейинги 10 йил ичида ажнабийларнинг берган ёрдами жаҳон бозорида маҳсулотимизнинг нархлари тушиб кетганлигига натижасида кўрган зараримиздан анча камроқ бўлганлигига кўрқиш назари билан қарамоқдалар» деб айтган эди.

Совет Иттифоқи бу адолатсизликни тугатиш учун курашни авж олдириш зарур, деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи халқаро савдога халақит бераётган бекик гуруҳларга қарши. Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати савдо-сотиққа бағишлаб халқаро конференция чақиришни ўз ташаббуси билан таклиф қилди. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVII сессияси бу масалага доир тегишли қарор қабул қилди. ҳозирги вақтда шундай конференция чақиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу конференция савдо-сотиқ соҳасида бирор камситишга йўл қўймай, ҳамма мамлакатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган принципларни белгилаб олишга имкон берадиган халқаро йиғин бўлиши мумкин.

Пировардида, мен Бразилиянинг иқтисодий ривожланиши, унинг ўз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашида Бразилия халқига бахт-саодат ва муваффақиятлар тилаб, совет халқи номидан астойдил билдирган истакларимни Сизнинг газетангиз орқали изҳор қилишни истар эдим.

ОБИ ҲАЁТ

— Элда шундай ривоят бор: қачонлардир сувга маҳтал халқ оби ҳаёт булоғини топганмиш. Унинг қатрасидан инсон яшарган дардига шифо топганмиш, бор-бўстонлар бунёд бўлганмиш. Бундай ривоятлар замирида олам-олам мазмун ётади. Меҳнаткаш халқ асрлар бўйи ўз куч-қудрати билан амалга ошироолмаган орзу истакларини шу ривоятларда талқин этган, қачонларгир шундай замон келишига ишонган.

Асов Аму билан Сирдарёда ҳар йили қарийб 100 миллиард кубометр сув ҳайқириб оққан. 10 миллион гектардан ортиқ ер сугорилиши мумкин бўлган бу сувдан эл баҳраманд бўлолмаган, чунки Амударё сувини қақраган биёбонларга кўтариб берадиган қудратли техника йўқ эди Бундай қудратли техникани Совет ҳокимияти халқ қўлига топширди. Шу қудрат қаршисида буюк дарёлар бўйсунди, қўқларга бўй иҳзган тоғлар одоб билан таъзим этди. Бугун Совет Ўзбекистонининг қиёфаси ҳудди эртакларда гидек ғайаллашиб бораётганини кўриб кўнглинг қувончларга тўлади. Совет ҳокимияти йилларида республикада 30 дан ортиқ сугориш шохобчалари қурилди.

Ирригациямиз гигантлари! Республикамиз картасига бир назар ташланг: Жанубий Сурхон, Чимкўрғон, Пачкамар, Каркидон сингари янги ирригация иншоотлари кўринмоқда. Ҳозир ана шу қурилишларда қизғин меҳнат паласи. Косонсой ва Каттақўрғон сув омборлари кенгайтирилмоқда.

Амударё совет кишиларичинг иродасига бўйинсунаётир, ташна ерларга ҳаёт суви югурмоқда. Амуга ўтган йили юриш бошланди, бу иш Олот насос станциясини қуришдан бошланди. Шундай қилиб, Бухоро деҳқонлари ўтган йили оғир суғсизлик шароитини зўр матонат ва ғайрат, ишжоат билан енгиб, Амударё сувидан пахта очилгунча неча минг гектар ташна ерларни қондириб сугордилар. Энди ликда эса, Аму — Бухоро канали қурилиши бошланди. Ўтган йили қуриб ишга туширилган Аму—Қоракўл каналининг дастлабки қисми яна анча кенгайтирилади.

Аму—Бухоро канали Сандиқли қумлари, Тойқир воҳаси, минглаб гектар қўриқ ва бўз ерлардан ўтиб, Шоҳрудд каналига қўшилади. У Қоракўм саҳроси, Ўрта чўл ва Қарши даштларига ҳаёт бағишлайди.

ИККИ ДАРЁГА ҚУМУШ КАМАР

Амударёдан сувни баланд ерларга кўтариб оқизиш учун Аму—Бухоро канали трассасидан кучли насос станциялари қуриш кўзда тутилади. Бу насослар Ҳамза қудуғи, Қуйимозор сув омбори ва Тўдакўл районларида ўрнатилади. Каналда тўпланадиган 1 миллиард кубометрга яқин сув Шоҳрудд орқали Бухоро областининг экин майдонларига тарқалади. Шундай қилиб Аму—Бухоро канали Амударё билан Зарафшон дарёларини туташтиради, уларга қумуш камар бўлади.

Ана шу қудратли канал гоят қисқа муддат ичида — 2,5 йил мобайнида ишга туширилиши, 1965 йил баҳорига бориб қишлоқ хўжалик экинлари Амударё сувини билан тўла таъминланиши керак. Бу гоят катта вазифани амалга ошириш учун сув магистрали трассасида кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар амалга оширилиши лозим.

Канални қазиб битказиш учун 55 миллион кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиши керак. Бу, Катта Фарғона каналида бажарилган иш ҳажмидан қарийб 3 баравар ортиқдир. Трассага 100 минг кубометр бетон ва темир-бетон ётқизилади. 1900 тонна металл конструкциялар монтаж қилинади. Ана шу ишларнинг ҳаммасини 4,5 мингдан ортиқ турли касбдаги кишилар ва сон-саноқсиз қудратли техника бажарадиган.

Канал трассасида бўлган кишиларнинг бахри-дили очилади. Катта қурилишнинг улкан қалби озаматлари бир ойдан буён қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Экскаватор, бильдозер, трактор ва скрейперларнинг ҳайқириғи чўл бағрини ларзага солмоқда. Аср сиқинатини бизмоқда. Канал қурилиши қалдиргочларичина ишжоатли меҳнати туфайли ҳозиргача бир миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Бу эндигина иш бошлаган катта қурилиш учун гоят қувонарлидир. Иш кечаю-кундуз тинимсиз давом этмоқда. Графикда кўзда тутилган вазифалар муддатидан олдин бажарилмоқда. Шундай қилиб қормай-толмай меҳнат қилаётганларнинг гул қўли билан ўн километр масофадаги трасса тайёр бўлди.

ОНА ЮРТ ҲУСНИГА САЙҚАЛ

Канал магистралида ўзбек билан рус, қирғиз билан қозоқ, тожик билан туркманнинг елкамаелка туриб меҳнат қилаётганини кўрасиз. Ҳамкорлик ва дўстлик туфайли ишлар тобора жадаллашмоқда. Ҳамманинг қалбида бир орзу, бир истак. Бу катта қурилиш коммунизм учун хизмат қилажагини, аҳоли учун мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришда гоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамма қурувчилар бирдай тушунмоқдалар.

Аму—Бухоро канали қурилиши коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида халқимиз зўр қудрат билан олиб бораётган ишининг бир бўлагидир. Йиллар ўтади, тақир чўллар ўрнини боғ-роғлар эгалладди. Чўл бағрини бильдозерлар тимдалайди. Моҳир пахтакор қўли билан ерга биринчи чигит ташланадиган вақтлар ҳам узоқ эмас. Мовий пахтазор денгизида «эангғри кемалар»имиз чайқалиб юради. Давлатимиз учун гоят қимматли бўлган «оқ олтин» етказиб беради. Ана шунда Навоий ва Қизилтепа, Қоракўл ва Олот ерлари чаманзорга айланади. Канал суви билан бу ерларда ажойиб шаҳарлар бунёд этилади. Ғўзал воҳаларимиз она юрт ҳуснига яна бир сайқал бўлиб тушади.

С. КАРОМАТОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

Суратда (чапда): Аму—Бухоро канали қурилиши трассасида. Унгда: қурилишда ном чиқарган илғор экскаваторчи Юрий БЕЛОБОРОДОВ ва бульдозерчи Иззатилла ҲИКМАТОВ ўртоқлар.

А. Усмонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

„Чимқўрғон“ суви келгач

КОСОН, 29 март. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). 1957 йилда «Чимқўрғон» сув омбори қурилиши бошланмасдан илгари Косон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «III Интернационал» колхозида сув танқислиги сабабли пахтадан жуда кам ҳосил олинар, янги ерларни очиш имконияти йўқ эди. Уша йиллари колхознинг шартли сугориладиган пахта майдони атиги 900 гектар бўлиб, гектаридан 6-8 центнердан ҳосил олиннар эди, холос.

1961 йилда «Чимқўрғон» сув омборидан 175 миллион кубометр сув тўпланган, унинг бир қисми Косон ва Бешкент ерларига ҳам етиб келди. Уша йили пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 16 центнерга етказилди. Чимқўрғон омборининг суви туфайли янги ерларни ўзлаштириш авж олиб кетди. Биргина «III Интернационал» колхозида кейинги уч йил давомида 3 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилди. Шу жумладан Фазли, Қўштепа, Боротбой, Жеркент, Кожар, Мирзабек массивларидаги 1500 гектардан зиёд унумдор ерларга сув чиқарилиб, чигит экила бошланди.

Ҳайдар Назаров, Иброҳим Хусаинов, Азиз Темиров, Қурбон Файзиев сингари чўл жиловкорлари йил сайин янги ерларнинг гектаридан 18-25 центнердан ҳосил етиштирмоқдалар.

Чимқўрғонда бу йил 500 миллион кубометр сув тўпланади. Бу эса янги ерлар ҳисобига шу колхознинг ўзида пахта майдонларини яна уч баравар кўпайтириш, чўл бағридан юзлаб гектар унумдор ерларни тортиб олиш имконини беради. Чимқўрғон сув омбори бераётган сув туфайли колхознинг бошқа экин майдонлари ҳам анча кенгайтирилди. Жумладан манкажўхори майдони 250 гектарга, ғалла майдони 2500 гектарга, беда — 550 гектарга, пахта 600 гектарга, сабзавот ва картошка 150 гектарга етказилди.

Янги сунъий денгиз бераётган сувни йил сайин ошира бориш натижасида колхозда «Қамаши» ва «Янги Фазли» каналлари қурилди. Етарли миқдорда сув манбаи бўлса, бу каналлар бинан жуда кўп ерни суғориш мумкин. Колхоз пахтакорлари бу йил «Чимқўрғон» сувига ишонч бағишлаб, 1500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга сўз бердилар. Улар ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

Косон ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар Чимқўрғон сув омборида сув тўплана бошлангандан бери ўтган икки-уч йил ичида 12 минг гектардан зиёд янги ерларни ўзлаштирди. Бу йил улар яна 3 минг гектар янги ер очиш учун нурашмоқдалар.

А. ҲАЛИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕДИКЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИ

29 мартда Ўзбекистон медицина ходимларининг бешинчи съездида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва аҳоли соғлигини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги масаласини муҳокама қилиш давом этди.

Съезд қатнашчилари республика соғлиқни сақлаш ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Съезд қатнашчиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга ёзган табрикномаси гулдурос қарсаклар билан қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон ССР медицина ходимларининг бешинчи съезди ўз ишини тамомлади.

(ЎзТАГ).

Қўриқ ерларни ўзлаштириш — қаҳрамон халқимизнинг коммунизм қуришдаги буюк жасоратидир. Бу жасорат асрлар бўйи яшайди!..

Мирзачўл мўл-кўлчилик ўлкаси, чинакам олтин ўлка бўлиб қолди. Бу ерда «оқ олтин» тобора кўп миқдорда етиштирилмоқда. Мана шу қўриқ ерларни ўзлаштиришга сарфланаётган маблағлар тезда қопланмоқда. Шунинг учун Мирзачўлда пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтирмоқ керак...

Бизда яхши коммунистик традиция вужудга келди: мажбурият олдингми — уни бажар. Сўзининг устидан чиқмаслик совет кишиларининг руҳига ёт нарса.

Мирзачўл ишлаб чиқариш ва турмуш ни коммунистчасига ташкил этишнинг тимсоли бўлади ва бўлмоғи керак.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

БУГУН СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

СИРДАРЁЛИКЛАР, ПАХТА УЧУН КУРАШДА АВАНГАРД БЎЛИНГ!

Суратда: Сирдарё области қишлоқ хўжалик илғорларидан бир группаси (чапдан), М. ИНОҒОМОВА — Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» колхозининг бригадири, Т. ҚОНОРБОЕВ — Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленин йўли» колхозининг звено бошлиғи, Н. ИМОНҚУЛОВ — шу бошқармадаги Жамбул колхозининг раиси, Ж. АЛИЕВА — Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XX съезди» совхозининг механизатори ва Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси Қ. СИНДОРОВ ўртоқлар.

Ҳосилдорлик ошади

Областимиз меҳнаткашлари олдида етти йилликнинг бешинчи йилида жуда катта вазифалар турибди. 1962 йилда давлат омборига 412,9 минг тонна пахта тўкишимиз керак, ғалла, чорвачилик, сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева етиштириш анча кўпайтирилиши лозим. Бу вазифаларни бажариш—область колхозлари, совхозларнинг ишчилари — ҳамма касб эгаларининг муқаддас бурчидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштиришда янги марраларни эгаллаш учун босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик катта аҳамиятга эгадир.

Совхоз бўйича етти йиллик охирига қадар 128 минг 400 тонна пахта тайёрланиши ва давлатга сотилиши керак. Ҳозир 71 минг 870 тонна «оқ олтин» сотилиб, 4 йиллик топшириқ ошириб адо этилди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 33,2 центнерни ташкил этди. Давлат 6 миллион сўмдан зиёд фойда олди. Хўжаликда пахта усталари, ажойиб механизаторлар отряди етишиб чиқди.

«Пахтаорол» совхози кўп тармоқли, экономикаси мустаҳкам, ишлаб чиқариш комплекс механизациялашган хўжаликдир. Бундан 6-7 йил олдин бир центнер пахта етиштиришга 40 ишчи-соат сарф этилар эди. Етти йилликнинг тўртинчи босқичида механизация етакчи ўрин эгаллаганлиги туфайли ана шу миқдордаги ҳосилни етиштиришга 13-14 ишчи-соат сарфланди. Бу йил пахта таннархини янада арзонлаштирамиз.

Муваффақият бундан ҳам улканроқ ва қувончлироқ бўлиши мумкин эди. Аммо ўсиш ва юксалишга халақит берадиган айрим камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, механизатор кадрлар етишмаслиги орқасида машиналар икки сменада ишлатилмади, яъни уларнинг қувватидан максимал даражада фойдаланилмади. Экин майдонини кенгайтириш, тўла гектар ва кўчат сонининг бир хил қалинликда бўлишига эришилмади, айрим карталарда кўчат ола чиқди. Уруғлик чигит тайёрлаш, уни саралаш кечикди. Ер вақтида экишга тайёрланмади.

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси коллективининг чақириғи. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси коллективининг ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қилиб, бу камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўрдик. Ғанимат фурсат кутиб турмаслиги, кўклам экин кампаниясига яхши тайёргарлик кўрган деҳқон чигитни тез ва энг яхши агротехника муддатида экиб, мўл ҳосилга яхши замин яратиши ишчиларга тушунтирилди. Тупроқнинг шўри икки-уч марта ювилди, ариқ-зовурлар чуқур қилиб қазилди. Ерни текислаш, ўтитлаш, бороналашга жиддий эътибор берилди. Механизаторларнинг янги отряди тайёрланди, техника чигит экишга тахт. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йиллардаги камчиликлар тўла бартараф этилди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтачиликни ривожлантириш, дала ишларини комплекс механизациялаш, пахтакорлар ҳаётини яхшилаш ҳақида оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев совхозимизда бир неча марта бўлиб, совхоз экономикаси, халқнинг моддий-маданий фаровонлигини яхшилаш ҳақида қимматли маслаҳатлар берди. Коллективимиз бу маслаҳатларни доим ёдида сақлайди ва унга амал қилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта нархини ошириш ва пахтакор хўжаликларга натура шаклида ғалла бериш ҳақидаги қарори пахтакорлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Совхозимиз коллективи бу йил она-Ватанга 21 минг тонна пахта сотиш ва ҳосилдорликни шу йилгиёк анча ошириш ҳақидаги ваъдасини шараф билан бажариш учун бутун куч ва қувватини сарф этади.

П. В. ЛУГИН,
«Пахтаорол» совхозининг директори.

Янги ерларга мана шу лотоклар орқали ҳаёт суви оқади. СУРАТДА: «Пахтакор» совхози далаларига ўрнатилаётган лотоклар монтаж қилинаётган пайт.

ГЎШТ, СУТ МЎЛ БЎЛАДИ

Сирдарё областида чорвачиликни ривожлантиришга ким қандай ҳисса қўшади? Чорвадорларимиз орасида ана шу савол кенг муҳокама қилинди.

— Ҳар 100 совлиқдан 150 бошдан кўзи олишга сўз бераман, — деди бош чўпон Олтмиш Эгамбердиев.

— Ҳар бош қўйдан 4 килограмм жун қирқиб топшираман, — бош чўпон Жуман Қулёзовнинг аҳди шундай.

Эгамберди ота Мамашов 40 йил чўпонлик қилди. Қўйчиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдаги ҳалол меҳнатлари учун Ленин ордени билан мукофотланди. Ота ҳозир пенсионер. Сирдарё области тузилганидан беҳад қувонган ота ажойиб ҳикмат кўрсатди.

— Давлат таъминотига ўтиб, қарилик ғаштини сураётган бўлсам ҳам, уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмадим,— деди у, — Сирдарёни республикамизнинг илғор чорвадор областига айлантиришга ҳисса қўшишга отландим. Бу йил 300 бош қўйни бўрдоқига боқиб, гўштга топшираман.

Ҳар бир чорвадор ўз зиммасига ана шундай конкрет мажбурият олди ва уни шараф билан бажараётир. Босим Дадилов, Олтмиш Эгамбердиев, Уразали Жуманов, Жуман Қулёзов, Қосим Тоғаев сингари бош чўпонларимиз ҳозирдаёқ ҳар 100 совлиқдан 120 бошдан кўзи олдилар, қўй-кўзилар серўт яйловларда боқилиб семиришляпти.

Фермамиз қисқа вақт ичида 3.000 донадан зиёд қоракўл тери тайёрлади, бу давлатга қарийб 7 минг дона қоракўл тери сотиш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун ҳамма имкониятлар борлигидан далолат беради.

Гўшт, сут топшириш ҳам муваффақиятли боряпти.

Чорвадор келгусида гўшт, сут, жуннинг кўпайишга, қўйлар наслининг яхшиланишига ҳозир замин яратади. Чунки совлиқлар қизғин кўзиляпти. Мутахассисларимиз тажрибали чўпон-чўлиқлар билан маслаҳатлашиб, бир неча минг соғлом, бақувват уруғни қўзини наслга қолдирди.

Яқинда чорвадор хўжаликларда эгиз қўзи олиш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда юксак кўрсаткичларга эришган чўпон-чўлиқларни моддий рағбатлантириш принципи жорий этилди. Бу — гўшт, сут, жун етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнайди.

К. НАЗАРОВ,
«Қизил чорвадор» совхозининг қўйчилик ферма мудири.

ГУЛИСТОННИНГ ШУҲРАТИНИ ТИКЛАЙМИЗ

Собиқ Мирзачўл районида юқори ҳосил усталари кўп эди. Гектаридан 30-32 центнердан пахта етиштирган колхозлар, 40-45 центнерчи бригадалар ҳар бир хўжаликда топилар эди. Мен узоқ йиллардан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида деҳқончилик қилиб, гектаридан 38-40 центнердан «оқ олтин» етиштирганмиз. Партия ва ҳукуматимиз чўл ҳужумкорларининг меҳнатига юксак баҳо берди. улар қатори мен ҳам олдин Меҳнат Қизил Байроқ ва сўнгра Ленин орденлари билан мукофотландим.

Орадан йиллар ўтди. Давлатимиз барча хўжаликлар қатори Мирзачўл районининг колхоз ва совхозларига ҳам жуда кўп машиналар, қурилиш материаллари, маблағ берди, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини яхшилашда кўмаклашди. Шунга қарамай, кейинги йилларда кўпчилик хўжаликларда пахтанинг ялпи миқдори ўсмади, ҳосилдорлик айрим колхозларда бир нуқтада туриб қолди ёки пасайиб кетди.

Бундай ачинарли аҳволни мен бошчилик қилаётган бригада мисолида ҳам кўриш мумкин. Бригадамиз бундан беш-олти йил муқаддам гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил олди. 1962 йилда эса атиги 21 центнердан пахта етиштирдик. Об-ҳаво, иқлим шароити ўзгаргани йўқ, хўжаликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ишчи кучи кўпайди, айтарлик сув танқислигига учрагани-миз йўқ.

Нега бўлмаса ҳосилдорлик пасайиб кетди, давлат пахта тайёрлаш плани бажарилмаяпти? Гап шундаки, кейинги йилларда колхоз ва совхозларда агротехника қоидаларининг кўпол равишда бузилишига йўл қўйилди, тупроқ унумдорлигини ошириш чоралари кўрилмаяпти. Илгари чигит экишдан олдин ер шўрини 4-5 марта ювар эдик, яхоб берардик, ҳар гектар ерга 10-15 тонна маҳаллий ўғит солардик.

Эндичи? Атиги бир-икки марта шўр ювилади. Сув етишмаяпти, деб баҳона кўрсатилади. Вақолаки, тежаб фойдаланилса, сув етиб ортади. Аммо ҳозирча сувдан ёмон фойдаланиляпти. Сув зовурлар, йўллар, кераксиз жойларга оқиб ётади.

Ёки маҳаллий ўғитдан фойдаланишни олайлик. Ота-боболаримиз маҳаллий ўғитни қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омили деб билганлар. Биз эса минерал ўғит керак, деб давлат омборига кўз тикиб ўтирамиз. Чорвачилик фермалари. яйловлар, ҳонадонларда кўплаб гўнг, қўй қийи тўпланиб ётибди, уни далага ташиб чиқариб чиритиш ва экинни озиқлантиришга аҳамият бермаймиз.

Мирзачўл шароитида ариқ ва зовурларни яхшиламай, сизот сувни қочирмай туриб пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Биз Мирзачўлга кўчиб келган дастлабки йилларда зовурларга туя туша кўринмасди. Энди эса зовурлар кўмилиб, саёз бўлиб қолди.

Ана шунга ўхшаш камчиликлар аниқланиб, уни тугатиш чоралари кўрилаётир. 1963 йил мирзачўлликлар учун сиғнос йилидир. Биз астойдил меҳнат қилиб, ўтган йилардаги дағал ювишимиз, Гулистоннинг шуҳратини тиклашимиз керак. Бригадамиз аъзолари бунинг учун 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан ҳосил олади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта нархини ошириш ва пахтакор хўжаликларга натура шаклда ҳақ тўлашни жорий қилиш ҳақидаги қарорига пахтачиликни янада ривожлантириш билан жавоб берамиз.

С. ШОДМОНОВА,
Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи.



Областнинг машъалларидан бир группаси. Суратда (чапдан): С. ШОДМОНОВА — Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи, Ҳ. ҚУРБОНОВ — 6-пахтачилик совхозининг бригадири, У. ОҚЖИГИТОВА — Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз звено бошлиғи, С. ОТАМУРОТОВ — 26-пахтачилик совхозининг бригадири, Ольга ТЯН — Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» колхозининг бригадири, У. ОДАМБЕКОВ — «Қизил чорвадор» совхозининг бош чўпони, Р. АҲМАДИЕВА — Свердлов номли совхоз ишчиси.
И. Глауберзон фотолари.

ДЎСТЛАР, ЯНГИ ЕРГА!

— Айрим кишилар чўл деган сўзни эшитганда, кордон мева тишлагандек бадани жунжикиб, пешонаси тиришади, — ҳикоя қилади Гагарин номли 5-пахтачилик совхозининг бўлим бошқарувчиси Бобокул Уразоқов. — Бу нотўғри. Чўл ҳам табаррук она тупроғимизнинг бир бўлаги. Чўл ўтмишдан гариб келинчагига ўхшайди. Айби — ёлғони сепи йўқ, холос. Уни биз ясактиришимиз, кенг бағрида улкан пахтазорлар бунёдга келтиришимиз, маржондек тизилган дарахтлар ўстиришимиз, шаҳрини қуритишимиз — хуллас, мўл-кўлчилик ўлкасига айлантиришимиз керак. Мен ҳам кўплар қатори шу умидда Мирзачўлга келганман.

Икки йилдан буён 1157 гектар ери бор бўлимга бошчилик қиламан. Коллективимиз илк деҳқончилик йилини яхши якунлади, давлатга пландаги 867 тонна ўрнига 1100 тонна пахта сотди. Кўрдингизми, чўл ҳам унумдор ер. Уни қўёшнинг шахтидан, шамол-бўрондан, шўрдан халос қилсак, меҳнат билан жонига оро кирсак, юрт хазинасини бойитади.

К. Пиримқулов Зомин қишлоғида муаллимлик қиларди. Ўтган йили пахтакорликка ўтди. Бригадага бош бўлиб, 270 тонна пахта етиштирди. Бу пландагидан 118 тонна кўп. Зоминлик Н. Алибеков, ғаллакорлик М. Сафаров, хатирчилик Ж. Камоловлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам биринчи йилдаёқ гектаридан 15-16 центнердан ҳосил олди.

Пахта тайёрлаш планини бажарган бўлимимизнинг ҳамма шинелари уч ойлик маош миқдорида пул билан мукофотланди. Янгиерда уй-жойлик бўлдик. Орамизда сиртқи олий ўқув юртлари ва кечки ёшлар мактабларида ўқиётганлар кўп. Хоҳлаган киши шоферлик, механизаторлик касбини эгаллаши мумкин. Хотин-қизлар учун бичиш-тикиш, каштачилик тўгараклари ташкил қилинди.

Олий маълумотли агроном Йўлдош Ирисов Пастдарғом районидаги «Москва» колхозидан биз билан бирга чўл қувалаш учун Мирзачўлга келди. У бошлиқ бригада пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Маъмурият ўртоқ Ирисовни бош агрономлик лавозимига кўтарди. У партия сафига қабул қилинди.

Бундан янги совхозда ҳамма борармидингиз?» деб сўраб қолди. Мен: йўқ, чўлда шаҳар бунёдга келтиргани келганман, шу мақсадимга албатта эришаман, деб жавоб бердим.

Чўлга врач, ўқитувчи, агроном, механизатор, ошпаз — қўйингчи, ҳамма касб эгалари келиб, катта иззат-обрў орттиришлари мумкин. Чўлга марҳамат, дўстлар!

ХИРМОН ҚАДРИНИ ДЕҲҚОН БИЛАДИ

Бу қиз — Матлуба Назарова, собиқ Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи эди. У яқинда комсомол ййлланмаси билан «Главголодностепстрой»га қарайли «Пахтакор» совхозига кўчиб келиб, пахтачилик бригадасига бошчилик қилянти.

Матлубанинг онаси Зулайхо опа донг таратган теримчи, мавсумда 12-15 тонна «оқ олтин» терарди. Матлуба ҳам онаси изидан борди. Ҳар куни 250-280 килограмм пахта териб, ҳаммани қойил қолдирди. У, юксак чўққини кўзлаб, янги орзу-умидлар билан олга интилди, янги режалар тузди, техникани эгаллашга аҳд қилди.

Тиришқоқ қиз механизаторликка ўқиди. Дастлабки йилдан бошлаб машина бункеридан 130-140 тонна пахта тўкди. Кейинчалик суғоришни 200-220 тоннага етказди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми пахтачилик ишларини комплекс механизациялашдаги хизматлари учун Матлуба Назаровага республикада хизмат кўрсатган механизатор деган шарафли унвон берди. Матлуба ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор деҳқон. У бошлиқ бригада 1962 йилда 53 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 30 центнердан «оқ олтин» сотди. Бу муваффақият билан ҳам унинг кўнгли тўлмади.

— Ҳозирча деҳқончиликда қойил қилган жойимиз йўқ, — деди Матлуба онаси билан суҳбатда,— гектаридан уч тоннадан пахта олдик. Бининг нимаси мақтанарли? Ишчи кучи, техника, сув етарли. Бундай шароитда ҳамма ҳам ишни дўндириши мумкин. Биз енгил ишни кўлламаслигимиз керак. Халқимизда «Овчининг зўри бўри отади, қизнинг зўри қўриқ очади» деган мақол бор. Биз мардмиз деб майдонга чиқдикми, инсон қадамига ташна, зор бўлиб ётган чўлга бориб деҳқончилик қилишимиз лозим.

Зулайхо опа қизининг мақсадига тушунди. Асрий Мирзачўл ерларининг тақдирини Гайбулло ва Матлубалар, Ҳакимполвон ва Инобатлар ҳал қилиши, унга ҳаёт бахш этиши зарурлигини англади.

— Бор, қизим, боҳий Ленин тилга олган Мирзачўлга бор!

Бригада аъзолари Матлуба кўтараган байроқ остида Мирзачўлга жўнади.

«Главголодностепстрой»га қарашли «Пахтакор» совхози коллективи Матлуба Назарова бошлиқ комсомол-ёшларни шод-хуррамлик билан кутиб олди.

Фурсатғон, хирмон қадрини деҳқон билади, деганларидек, Матлуба чўлга қадам қўйган кундан бошлабоқ астойдил ишга киришди. У бошлиқ бригада 209 гектар ерда «оқ олтин» етиштиради.

Қизғин кунлар бошланди. Машиналар мотори ҳаракатга келди. Пахта пайкаллари кафтдек тёкисланиб, бороналанди, ўғитланди. Ўват, йўл-йўлакалар тугатилиб, тўла гектар бўлиши таъминланди. Уруғлик чигит сараланиб, шийпонга келтирилди. Қайси картага, қачон, қайси схемада чигит экилиши белгилаб чиқилди. Сув шоҳобчалари — лотоклар, йўлкўприклар тартибга келтирилди. Бригада аъзолари ўртасида иш тақсимланди. М. Назарова, У. Содиқов, А. Искандаровлар универсалларни бошқаради. М. Холмўминов, Э. Қодиров, Х. Ўроловлар сеялкачи. С. Суяров, Н. Елғошовлар фиксаторчи. Яқинда тажриба учун амалий машғулот ўтказилди. Ишнинг ютуқ ва камчилик томонлари атрофлича таҳлил этилди. Ҳужумкорлар совхозда биринчи бўлиб чигит экишни бошлайди.

ЯНГИЕР ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мирзачўл — синов майдони, мардлар макони. Фақат «Главголодностепстрой» системасига қарашли хўжаликларда 25 мингдан ошиқ совет кишиси чўл билан юзма-юз туриб мардонавор «жанг» қиляпти, куч синаляпти. Бу кураш жараёнида замонамизнинг ажойиб қаҳрамонлари ,маъжаллари етишиб чиқяпти, уларнинг сафи кенгайяпти. СССР Олий Советининг депутати Гайбулло Урдушов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳаким полвон Қурбонов, Сувон Нормуродов сингари юзлаб, минглаб комсомол-ёшлар чўл забткорларидир. Улар Мирзачўлга партия чақириғи билан, виждон амрини адо этиш, қуриб-қақшаб ётган жойда гўзал водий яратиш учун келганлар. Фасллар, йиллар ўтади, Мирзачўл ҳужумкорларининг номи «Олтин китоби»да абадий сақланади.

Самарқанд қишлоқ район комсомол комитетининг собиқ секретари Раъно Аминова, ёш мутахассис Мунаввар Турдиева, механизатор Сами Отамуродов, Ғани Избосаров сингари 300 дан ортиқ мард комсомол-ёш яқинда янги совхозларга келди.

Ҳалол меҳнат чўл лочинларига катта даромад ва бахтли ҳаёт келтирмоқда. Бекмирза Ўролов ўтган йили Булунғур районидаги «Гулбулоқ» совхозидан «Пахтакор» совхозига келиб сувчи бўлиб ишлади. Ҳар ойда 1.200 сўмдан маош олди. Хўжалик йили якунлангач, унга 1.109 сўм қўшимча ҳақ берилди. Еки унинг бир йиллик умумий даромади 2300 сўмдан зиёд бўлди. Бошқа комсомолёшлар ҳам ана шундай даромад олдилар.

Мирзачўлни «оқ олтин» базасига, ғаллаган водийга айлантириш — республикамиз меҳнаткашларининг шарафли бурчи. Ана шунинг учун ҳам республикамиз комсомол ва ёшлари чўлга ҳужум бошладилар. Уларга шоншарафлар. Ижодкор комсомолёшлар, сизларни Янгиер кутяпти.

М. НАЗАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

120 КИЛОГРАММ ПИЛЛА УЧУН

Колхозимиз ишлаб чиқариш бошқармасида йирик пиллакор хўжаликдир. Ўтган йили 300 қути қурт уруғидан давлатга пландагига 14 тонна ўрнига 17 тонна пилла сотдик. Пиллакорларимизнинг бу йилги ҳиммати янада баландроқ.

Ипакчилик шинавандалари янги кампанияни яхши тайёргарлик билан кутиб олдилар. 64 та пилласачилик звеноси тузилди. Қурт боқиладиган хоналар ажратилиб сўкичаклар қилинди, печкалар қурилиб, етарли ўтин-кўмир жамғариб қўйилди. Пиллакорлар билан семинар ўтказилиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султоновнинг пилла қуртини тез ва жадал боқиш, юқори ҳосил олишдаги тажрибаси муҳокама этилди. Офтоб Зуҳурова, Хофият Ҳакимова, Гулсора Маматқулова сингари миришкор пиллакорларимиз ҳар қути қурт уруғидан 115-120 килограмм биринчи сорт пилла олишга аҳд қилдилар. Ҳозир пилла қурти инкубацияларда парвариш қилинмоқда.

Колхозимиз ўтган йили пилласачиликдан 40 минг сўм даромад олган эди. Бу йил фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини кенг қўллаб, барчадан тежаб-тергаб фойдаланиб ҳосилдорликни янада оширамиз, пиллачиликдан камида 50 минг сўм даромад оламиз.

И. АҲМЕДОВ,
Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» колхози пиллачилик бригадасининг бошлиғи.

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ МИННАТДОР

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисидаги қарорини колхозимиз аъзолари ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ўтган йили бригадамиз бўйича гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтардик. Мавжуд резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 5 центнер оширишга қарор қилдик.

Қарорга мувофиқ юқори ҳосил етиштирган хўжаликлар натта даромад олади. колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий даромади ҳам кўпаяди. Шунинг учун ҳар биримиз ўз участкамизда ҳалол меҳнат қилишимиз, ички имкониятлар ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишимиз зарур. Биз ишни конкрет тарзда, маълум мақсадни кўзлаб ташкил қилдик. Еримиз чигит экишга тахт. кўплаб маҳаллий ўғит жамғариб қўйганмиз. Партия ва ҳукумат ғамхўрлигига пахта етиштиришни кўпайтириш билан жавоб берамиз.

У. СУЛТОНОВ,
Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги Омонгелди номли колхоз механизатор-бригадири.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида олмалар қизғиш гуллади.
И. Глауберзон фотоэтюди.

«МУШТУМ»ГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий номидаги театрда, Тошкент шаҳар ишчи мухбирлар университетида, шунингдек республикамизнинг бошқа шаҳар корхоналари, колхоз ва совхозларида «Муштум» журналининг 40 йиллигига бағишланган виставкалар очилди.

Виставкага 1927 йилдан буён журналга актив қатнашиб келаётган Д. Синицкий, Н. Леушин, М. Воробейчиков, А. Марфин каби карикатурачи рассомларнинг асарлари қўйилди.

М. КАРИМОВА,
Ҳ. ҲАЙДАРОВ,
С. САЙФИДДИНОВ.

ЙЎҚОЛСИН ХУРОФОТ!

ДИЛОРОМНИНГ АЧЧИҚ ҚИССАСИ

Дилоромнинг қиссаси аччиқ. У ёш она, дин қулоғини кар, бағрини тош қилиб қўйган бемеҳр кишилар тарафидан хўрланган келин. У болаларини ювиб-тараб, касалманд эрига қарашдан ташқари эрта саҳарда турганича катта ҳовлини супуради, уй-рўзғорни саришталайди. Қайин отаси Жўрабой билан қайин онаси Тожихоннинг таҳоратига сув илитиб беради. Дилором динга ишонганидан, қайин ота билан қайин онасининг дуоибадига қолишдан қўрқканидан шундай қилмайди. У, қайин отам билан қайин онам тағин ўғлига чақимчилик қилмасин, шундоқ ҳам қарғишдан чиқмай юрган бошимга яна маломат тошларини ёғдирмасин деб шундай қилади. Ҳамма ишларини қилиб бўлгач, икки яшар Тоҳиржонни етаклаб Машад қишлоғидан келадиган автобусга ошиқади. Ахир, ўғилчасини болалар боғчасига топшириши, кейин ишлаши керак. Автобус тиқилинч бўлса ҳам ўғилчасини етаклаган ёш онани ҳурмат қилиб, йўловчилар жой бўшатадилар. Улар, эҳтимол, Дилоромнинг юрагидаги дардини сезишмас, эҳтимол, унинг ўнг ёноғидаги кўкимтир доғ кеча еган калтагининг зарбидан эканлигини фаҳмлашмас. У ўзини ўнгайсиз сезиб, мушт изи қолган юзини рўмолининг бир учи билан зўр бериб яширишга уринади.

Дилором кеча маош олиб, тушлик танаффус вақтида бозорга борган, гуруч, сабзи-пиёз харж қилган эди. Паловга масаллиқларни сотиб олар экан, бугунги оқшомимиз қариндош-уруғлар даврасида ширин бўлармикан, деб умид қилган эди. Афсус, минг афсус, умидларини икки оғиз қўланса гап чиппакка чиқарди.

Неъматилла домланинг иниси Жўрабой келинидан юзини яшириб дўнғиллади:

— Пўқол, бетавфиқ, афтинг кўрсин. Сен номаҳрамлар билан гаплашганинг, савдо-сотиқ қилганинг учун гуноҳкорсан. Бундан буён бизнинг остонамизга оёқ қўйма, босган изингни қириб ташлаймиз!..

Қурум босган мўридан сассиқ тутун чиқади. Лекин Дилором ўзи умид билан бир ёстиққа бош қўйган йигитнинг отасидан, ўзи умид билан ота деган кекса бир кишининг оғзидан кишининг дилини вайрон қиладиган гап чиқади деб ўйламаган эди. Хўрлиги келди-ю, ўзини зўрға босди.

Эҳтимол, умид билан онажон деган киши — қайин онаси — Тожихон келинининг кўнглини кўтаргандир. Йўқ, ўлганнинг устига тепган дегандек, бу бағри тош аёлнинг гапи яна ошиб тушди:

— Хотин бошинг билан бозор қилишни сенга ким қўйибди, пулни қаердан олдинг, биз ҳалқуми пок кишилармиз, ҳаром пулнинг ошини емаймиз...

Шундай қилиб, ҳалол топилган пулга келган неъмат, умид билан пиширилган ош бугун ҳам заҳарланди. Бунинг устига бадгумон бўлган эри Собиржон «пулни қаердан олдинг», деб Дилоромнинг ўнг юзига мушт туширди. Ҳовлидагилардан бирор киши Дилоромни ҳимоя қилди деб ўйлайсизми. Йўқ. Ахир, нега бегуноҳ бир аёлга кўтарилган Собиржоннинг қўлини ҳеч ким ушлаб қолмади. Кеча ҳам Собиржон хотинини қон қақшатган эди. Ўз таъсиридаги кишиларга: «Бандаларга, ҳатто чумолига ҳам озор бермаслик керак, деб «адолат», «инсоф» тўғрисида» эртаю кеч вайсаб юрган қўшниси Неъматилла домла ва Нишонбулар эса Собиржонни бу йўлдан қайтариш ўрнига, уни қўллаб-қувватладилар, «баракалла» дедилар.

Ниҳоят, нега Собиржон ўз рафиқасига, гулдек икки фарзандининг онаси, ҳомиладор бир аёлга — Дилоромга мушт кўтаради. Нима, у ҳам инқилобдан илгари туғилиб, эски мактабда таълим олганми? Йўқ, у 1934 йилда туғилган. Совет мактабида ўқиди, Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ўрта мактабни тамомлаб, кутубхоначиликка ҳам ўқиган Дилоромни Собиржон бир кўришдаёқ севиб қолди. Шу қишлоқда тўй бўлди. Кейинчалик улар ота-она орзусига кўра, Собиржонларникига кўчиб келишди. Шу кундан бошлаб ширин ҳаёт аста-секин хурофот оғуси билан заҳарлана бошлади.

Неъматилла домла, Нишонбу отин Собиржонга, унинг ота-онаси Жўрабой билан Тожихонга аста-секин таъсир қила бошлади.

— Хотин кишининг ишлаши — бизнинг шаънимизга доғ туширади. Шундай беҳаё келиннинг баҳридан ўтиш керак. Дилором келгандан буён уйимиздан барака қочяпти. Очиқ хотинларнинг кўнгли бузуқ бўлади...

Ана шу зайлдаги гаплар ота-онанинг қулоғига ҳар куни қуйила берди. Илгари Дилоромни жонидан севган Собиржон ҳам ёлғон-яшиқ гапларга учиб, хотинидан тез-тез бадгумон бўладиган, шундай пайтда тирноқ остидан кир қидириб, севикли рафиқасини ҳақорат қиладиган, ҳатто дўппослайдиган одат чиқарди.

Сабр қилсанг гўрадан халво битар дейдилар. Дилором ҳам ким ҳақ, ким ноҳақлигини эрим билиб қолар деб сабр қилди. Орада Собиржон касалманд бўлиб қолди. Дилором эрига парвона бўлди. Аммо кўрсатилган меҳр-садоқат ҳам кор қилмаяпти. Неъматилла домла қўйган тузоққа илинган, дин афъюни билан заҳарланган йигит ҳозирги вақтда бутунлай айниб, телба тўнини тескари кийиб олди.

Аммо, Дилором икки фарзанд — Назира билан Тоҳир ҳурмати, ҳали туғилажак фарзанд ҳурмати Собиржон билан турмуш қуриш, вайрон бўлай деган онлани тиклаш ниятида. Шу мақсадда у ишга кирди. Дилором Раҳматова ҳозир шаҳар савдо бўлимининг Исфарходаги 62-дўконида ишлаяпти.

Неъматилла домла, Нишонбу отин ўз қариндошлари оиласини гангитиб қўйдики, кейинги вақтда бир ҳовлида яшаб туриб қайин онаси ҳам, қайин отаси ҳам, қайин синглиси ҳам Дилоромни кўрганда имонсиз деб юзларини яширадиган бўлиб қолишди.

Бизнинг нурли кунларимизда, фаннинг мўъжизакор кучи одамнинг фазога парвоз қилишига йўл очган шу улуғ айёмда ҳам Неъматилла домла, Нишонбу отин каби жаҳолат шарпалари таъсирида қолган кишилар борлигига ачинасан, киши. Дин ўз домига илинган кишилар кўмагида акашак панжасини пок-покиза совет аёли Дилоромнинг бўғзига ботирмоқчи.

Неъматилла домла томонидан очилган маҳфий хонада электр бор-у, Дилоромнинг уйи қоронғи. Жоҳиллар Дилором китоб ўқимасин деб электр симини узиб қўйишган. Нишонбу отин ёш-ёш қизларни мактаб бағридан тортиб олиб, ўз «мактабида» заҳарлаяпти. Булар қимларнинг фарзандлари?

Мол доктори Мамажон Саидбоевнинг Муҳтарам исмли қизи 36-мактаб бағридан юлиб олинди. 6-синфда ўқиб турган қиз Нишонбу отининг қўлида заҳарлангач, қалин баробарига сотилди. Ёки колхозчи Мирзаакбар Ғафуровнинг қизи Аниса 4-синфдан тортиб олиниб, Нишонбу отин қўйган тузоққа илинтирилганини айтмайсизми.

Бу воқеа шу кунларда, бутун мактаб коллективининг кўз олдида юз берди. Лекин 36-мактаб ўқитувчилари, Наманган маорифчилари Неъматилла домланинг, Нишонбу отининг оғусига қарши курашиш учун ўзларида куч тополмадилар.

— Бу бадҳаво, жаҳолат ин қурган хонадондан чиқиб кетаман дейман-у, болаларимни тирик етим қилгим келмайди, — дейди Дилором. — Болаларим отасини севади. Бундан ташқари мен бу оиладан чиқиб кетсам, Собиржон иккинчи бир қизга уйланиши мумкин. Менинг ўрнимга келадиган ўша бечоранинг ҳам ҳоли шундай бўлиши мумкин. Мен буни истамайман.

Сен мактабда ва кутубхонада «Қутлуғ қон», «Бой ила хизматчи», «Зайнаб ва Омон» асарларини сева-сева ўқиганингни айтдинг. Ўзинг биласан: маткаримбойлар, солиҳбойлар замонаси бундан қирқ олти йил бурун тугади. Сенинг коммунист онанг Ҳуринисо опа ва унинг дугоналари биринчи бўлиб паранжи-чимматни ўтга ташладилар. Эндилийда эса сенинг дугоналарингнинг ажойиб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жавлон урмоқда.

Аччиқ ҳақиқат фош этилган бу мақола сенинг кўзингга тор қафасдек бўлиб қолган жойга — Наманган шаҳар, Чайковский кўчасидаги 32-уйга ҳам етиб боради. Дилоромни зор йиғлатаётган, оналик ҳуқуқини ерга ураётган, унинг бахтига, озодлигига чанг солмоқчи бўлган ҳар қандай шахс жамоатчиликнинг зарбасига учрайди.

Ҳамид НУРИЙ.

УЧИ САМАРҚАНДДА...

Уйга шошаётган А. Я. Нагорний такси машинасини тўхтатди.

— Қаерга борасиз?— сўради шофер.

— Қатортолга.

Нагорний шофернинг ёнига ўтирганда, орқа томонда нотаниш икки киши ястаниб ўтирарди. Мана, Чилонзор массиви. Қатортолдаги чойхонага яқинлашиб қолганда Нагорний ёнидан пул чиқариб, шоферга узатмоқчи бўлди.

Чойхонага кириб бир пиёла чой ичайлик,— тўсатдан илтимос қилди ўтирганлардан бири.

Нагорний ҳали жавоб беришга улгурмаган эдики, бошига гурзи тушгандай бўлди: кўзлари олдида чақмоқ чақиб ҳушидан кетди, ерга йиқилди...

Фрунзе район милиция бўлимининг ходими Нодир Аҳмедов навбатчилик хонасига кирганда бошини бинт билан боғлаб олган ишчи Нагорний ўтирарди. У бўлган воқеани қисқа қилиб навбатчига тушунтирди.

— Таксининг номерини, рангини биласизми.

Оператив ходимнинг бу саволига Нагорний жавоб берди:

— Машина қора, номерини билолмадим, шоферини кўрсам танийман.

Аҳмедов ва қидирув оператив вакили Ҳамид Пирмуҳамедов Қатортол чойхонасига келганларида ўтирганлар масаласининг маъносига тушунишди.

— Маҳаллангизда нима гап бўлди?

— Кеча бир кишини тўнаб кетишибди. Шофер мана шу ердаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайди,— деди чойхоначи.

Милиция ходимлари кўп қаватли уйга йўл олишди. Узоқ қидирувдан кейин шофер Енгельмичнинг уйи топилди.

— Эрингиз қаерда?

— Бозорга кетган.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

Савол-жавоб тамом бўлмасдан Енгельмич келиб қолди. У уйида милиция ходимларини кўриб қотиб қолди.

— Тунги соат 11-12 ларда қаерда эдингиз?

Енгельмич дудуғланиб жавоб бера бошлади:

— Мен йўловчилар билан Қатортолга келган эдим... Улар мени яна шаҳарга олиб борасан, деб мажбур қилишди. Бир илож қилиб, қочиб қолдим.

— Нега воқеани милицияга хабар қилмадингиз?

— Қўрқдим,— деди у ранги ўчиб.

— Йўловчилардан қайси бирини танийсиз?

— Танимайман... Ҳа, айтгандек биттасини танийман. У мен билан бирга уч йил ишлаган. Исми Алик,

Оператив ходимлар таксимотор паркига келдилар. Кадрлар бўлимидагилар билан бўлган суҳбатдан кейин жиноятчилардан бири Али Ализода эканлигини маълум бўлди. Алик лақаби билан юрган бу киши тунда қаерга бориши мумкин, қаерда тунади экан? Шу ҳаёлда турган оператив ходимлар Енгельмичга яна савол беришди.

— Аликнинг қандай таниш-билишлари бор? Биласизми?

— Ҳа, бор. Мен уни бир-икки марта Қатортолда яшайдиган Гулчеҳра деган аёлнинг уйига кириб кетаётганини кўрганман.

Милиция ходимлари кизнинг уйига йўл олишди...

— Аликни танийсизми?

— Танимайман,— қўпол жавоб қилди Гулчеҳра.

Милиция ходимларининг имо ишорасидан кейин уйга кирган Енгельмични кўрган қиз сўзидан адашди:

— Ҳа, Аликми. Алик озарбайжон йигит-да, танийман-таниймаи,—деди Гулчеҳра рангилари оқариб.— Уч-тўрт кун илгари бизнинг уйда бўлган эди. У ҳозир Самарқандда ишлайди. Тошкентга машинасини ремонт қилдираман, деб келган экан.

— Асли исми нима, Аликми?

— Билмадим, менга исмим Алик дер эди,— жавоб қилди Гулчеҳра.

Милиция ходимлари яна таксимотор паркига келишди. Аликнинг шахсий делолари текширилди, у бу ерда фақат уч ойгина ишлабди. Ализода меҳнат интизомини бузгани учун ишдан бўшатилган экан.

Милиция ходимлари Самарқанд шаҳрида, Ализода қаерда бўлиши мумкин?, Бир неча кун бутун шаҳарни айланишди, жиноятчининг сурати бўлмагани учун анча қийналдилар. Ниҳоят, Самарқанд область автотрестига келиб, бу ердан Тошкентга учта машина ремонтга юборилгани аниқланди.

— Учта машинани Тошкентда ремонт қилдириб, яқинда олиб келдик,— деди 60-автобаза бошқарувчиси.

— Машинани кимлар ҳайдаб келган?

— Ализода Алимуҳамедов билан Александр Петров.

Милиция ходимлари бу жавобдан кейин енгил тортишди. Жиноятчилар директор кабинетида ўтирган оператив ходимларни қўрибоқ айбларига иқрор бўлишди.

В. МАҲКАМОВ,
Р. ИСҲОҚОВ,
Т. ОРИПОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

△ **ЯНГИЙЎЛ бошқармасидаги «Ленинград» колхозида 10 гектарлик янги мевазор боғ барпо қилинди.**

Т. ИМОМОВ.

△ **ҲАЗОРАСП ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхози пенсионерлари 75 кишидан иборат 4 бригада тузиб, дала ишларида актив қатнашмоқдалар.**

И. ХОЖИЕВ.

△ **ФАРҒОНА. 3 процентли давлат ички ютуқ заёмига Бағдод район меҳнаткашларидан 20 дан ортиқ кишига 1.000 сўмдан то 2.500 сўмгача ютуқ чиқди.**

М. ТУРСУНОВ.

△ **АМУДАРЁ сувларида кемалар қатнови бошланди. Н. Нурметов капитанлик қилаётган «Чкалов» пароходи биринчи бўлиб йўл бошлади. Биринчи кунларданоқ юк ташиш плани ортиғи билан адо этилаётир.**

Ф. АН.

БОРИС ЖУКОВ КАРИКАТУРАЧИ РАССОМ

Рассом Борис Самойлович Жуковнинг газета ва журналлар учун чизган асарларининг мухокама қилиниши Ўзбекистоннинг журналист рассомлари ҳаётида катта воқеадир.

Б. С. Жуковнинг «Жанговар қалам» плакати, «Муштум» журнали, айниқса республикада чиқадиган бир қатор газета ва журналларда босилган асарлари унинг баракали ижоди самарасидир.

«Жанговар қалам» плакати учун чизилган халқаро темалардаги карикатураларнинг бош «қаҳрамонлари» сиёсий реакция вакиллари, колонизаторлар ва уруш оловини ёқувчилардир. «Эсдалик тугунчаси», «Франко—Бонн иттифоқи»ни каби ҳажвий плакатларда рассом реакционерларни ўсталик билан фош қила олган.

Б. С. Жуков 30 йилдан буён «Муштум» журнали билан ҳамкорлик қилади. Унинг «Пахтакорлар» Уол-Стритга хат ёзадилар», «Баҳодир маккажўхори», «Омочда бир киши, қошиқда етти киши» темалардаги ўткир ҳажвий суратларини муштумхонлар яхши биладилар.

Муболағасиз шуни айтиш мумкинки, Б. С. Жуков асарлари халқ манфаатлари учун курашда энг таъсирчан ва ўткир қуролдир.

О. АПУХТИН.



Нигерияда йирик тош кўмир ва турли руда конлари мавжуд. Бу мамлакат колумбита рудаси қазиб чиқаришда дунёда биринчи ўринда туради. СУРАТДА: Энугудаги кўмир шахтасининг кон ишчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ҚАРОҚЧИЛАР СОВЕТ САВДО КЕМАСИГА ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

ГАВАНА, 28 март. (ТАСС). 27 март саҳар пайтида Куба территориал сувларида қароқчилар кемаси совет кемасига — қуруқ юк ташийдиган «Боку» пароходига ҳужум қилди.

Бу ерда эълон қилинган хабарда айтилишича, қароқчиларнинг ҳарбий кемаси Кайбарендан қанд-шакар ортиб, Совет Иттифоқига бораётган совет «Боку» кемасига ҳужум қилган, бу кемага 20 миллиметрли тўплардан бир неча марта ўқ узган ва кемани пулемётлардан ўққа тутган.

Сўнгра ҳарбий кема «Боку» кемасига яқинлашиб, унга тепеда отган. Торпеданинг портлаши натижасида кеманинг ён бошида бўйи 4 метрлик ва эни ярим метр чамаси тешик пайдо бўлган. Бу эса команда аъзоларининг ҳаётини хавф остида қолдирган. Савдо кемасига жиддий зарар етказилган.

НЬЮ-ЙОРК, 28 март. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг берган хабаридан маълум бўлишича Куба контрреволюционерларининг Майамидаги (Флорида) вакили совет кемаси «Боку»га ўзини «Командо — Л» деб атовчи диверсиячи группа ҳужум қилди, деб айтган.

«Диверсиячи группа, — дейилади агентликнинг хабарида, — шу ҳужумни қилиб, сўнгра ҳеч бир талафот бермай, «Кариб денгизи райончидаги қандайдир бир жойда» бўлган ўзининг базасига эсономон қайтиб келди, деди ўша вакил».

Агентликнинг хабарида айтилишича, «Коммандо—Л» илгари «Альфа—66» ташкилотига мансуб группа эди яқинда шу группа совет савдо кемаси «Дьгов»га ҳужум қилган эди.

ВАШИНГТОН, 28 март. (ТАСС). АҚШ давлат департаменти эълон қилган баёнотида Куба сувларида қароқчиларнинг совет савдо кемаси «Боку»га қилган ҳужуми «қоралашига арзийди» деб айтди.

АҚШ ҳукумати, дейилади баёнотда, «шу муносабат билан Қўшма Штатларнинг қозунлари бузилганми, ёки йўқми эканлигини» (бошқа сўз билан айтганда бу ҳужум АҚШ территориясидан қилинганми ёки йўқми эканлигини) аниқламоқ учун текшириш ўтказади.

ГАВАНА, 28 март. (ТАСС). Қароқчиларнинг янги босқинчилиги муносабати билан Куба революцион ҳукуматининг бош министри Фидель Кастро баёнот бериб, Куба территориал сувларида қилинаётган жиноий ҳаракатлар учун жавобгарликни Қўшма Штатлар ҳукумати зиммасига юклаймиз.

АҚШ давлат департаменти қинда эълон қилган баёнотида, деб давом қилди Кастро, ўзини бундай ҳаракатларга гўё қарши чиқаётган қилиб кўрсатишга уринди.

Қўшма Штатларнинг ҳарбий кемалари ва самолётлари, деди Кастро, Кубани қўшиб ва бизнинг савдо кемаларимизни таъқиб қилиб. Кариб денгизи районида муттасил изғиб юрибди. АҚШ бундай ҳаракатлардан бехабар бўлиши мумкин эмас.

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ БРАЗИЛИЯДА

РИО-де-ЖАНЕЙРО, 28 март. (ТАСС). Совет космонавтлари А. Николаев ва П. Попович Сан-Пауло шаҳри ва унинг атрофи билан танишишни давом эттирмоқдалар. Улар Атом энергияси миллий институтида ўрнатилган биринчи реакторни бориб кўрдилар. Бразилиянинг СССР билан маданий алоқалар институти ходимлари билан учрашдилар, «Кампинас» қишлоқ хўжалик институтида бўлдилар.

Хамма жойда халойиқ космонавтларни хурсандлик ва самимият билан қутиб олиб, совет халқига ўзининг энг яхши хис ва туйғуларини изҳор қилмоқда.

ЁМОН НИЯТЛАР БИЛАН

ЛОНДОН, 28 март. (ТАСС). АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Ж. Болл Англия ҳукумати билан музокаралар олиб бормоқ учун кеча кечқурун Лондонга келди.

Бу ерда айтишларига қараганда, Боллнинг бу сафардан кўзлаган асосий муддаоси Англияни Совет Иттифоқига пўлат қувурлар етказиб беришдан воз кечишга мажбур қилиш мақсадида Англияга тазйиқ ўтказишдир.

ФРАНЦИЯНИНГ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА ЗАБАСТОВКАЛАР

ПАРИЖ, (ТАСС). Бугун Францияннг 350 минг темир йўлчилари икки соатлик забастовка ўтказадилар. 5 мартдан бери ана шундай учинчи забастовка ўтказилмоқда. Бунинг устига темир йўлчилар 15 мартда бир кунлик забастовка ўтказган эдилар. Франция темир йўл ходимларининг нураши — иш ҳақини ошириш учун, меҳнат шароитини яхшилаш учун нурашдир.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

БОТВИННИК—ПЕТРОСЯН МАТЧИ

Жаҳон шаҳмат биринчилиги учун бўлаётган матчдаги учинчи учрашув ҳозирча энг узоқ давом қилган учрашув бўлди. Ўйиннинг дастлабки беш соати натижа бермади. Бу ўйин кечиктирилганида Петросяннинг битта ортиқ пиёдаси бор эди. Бу ортиқ пиёда етарли даражада салмоқдор бўлармикин? Бу саволга бўлиб ўтган ўйинни уйда синчиклаб анализ қилиб кўриш натижасидагина жавоб топиш мумкин эди. Бироқ, бу ўйинчи шарҳловчиларнинг аксарияти Ботвинник ўйинни дуранг қилишга лозим, деган хулоса чиқариб қўйдилар. Аммо, собиқ жаҳон чемпиони М. Таль: бу ўйин кечаси билан «ухламай анализ қилинганидан» кейин дуранг бўлиб тугайди, деб муайян фикр айтди.

28 мартда марказий шахмат клубида бу ўйин давом эттирилди. Беш судья конвертни очиб, тахтанинг чекасидаги пиёдани юрди, чунки ўйин кечиктирилган вақтда Ботвинник пиёда билан шундай юриш кераклигини ёзиб қолдирган эди. Рақиблар фигураларни алмаштирдилар ва ўйинни «тамсилашга» ўтдилар. Шу пайтда оқларнинг бир рухи ва уч пиёдаси, қораларнинг эса бир рухи ва икки пиёдаси қолган эди. Ўйин шундай ҳолатга келиб қолганида ўзини ҳимоя қилувчи томоннинг муваффақиятли равишда мудофаа қилиш имконияти жуда катта бўлади. Бир вақт машҳур гроссмейстер Тартаковер, ўйиннинг охирида икки томоннинг биттадан рухи қолган бўлса-ю, лекин иккинчи томоннинг ортиқча пиёдаси ҳам бўлса, ортиқча пиёдаси бўлган томон барибир ютиб чиқа олмайди, деб ҳикматли бир гапни айтган эди. Ботвинниқнинг ўзи бу ҳикматли гапнинг тўғрилигини неча карталаб исбот қилган эди. Ҳукмдорлик (1962 йилда, Варнада) Ботвинниқнинг АҚШ чемпиони Роберт Фишер билан ўйнаган ўйини ҳаммангиз эсида. Ўша ўйинда Ботвинниқнинг пиёдаларидан биттаси кам қолгани ҳолда, шу ўйинни дуранг қилиш йўлини топа олган эди.

Хуллас, чемпионатнинг учинчи ўйини 87-юришда дуранг бўлиб тугади. Ҳозирча ҳисоб Ботвинник фойдасига 2:1.

(ТАСС).

Томошалар. Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Биз бир отряддаммиз, Катта қалб** (болалар учун фильмлар).

Ўзбек тилида: 12.45 — **Салом, болалар!** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 18.00 — **Жасур ковбой** (мультипликацион фильм), 18.15 — **Ёш математиклар мусобақаси**, 18.40 —**Телевизион янгиликлар**, 18.55 — **Ижрочи-чолғучилар республика конкурси лауреатлари студиямизда**, 19.25 — **Кун янгиликлари** киножурнали, 19.35 — **Ева ухламоқчи** номли кинокомедия.

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телевизион янгиликлар**, 21.15 — **Концерт** (Озарбайжон санъат усталари ижросида), 21.50 — **Галати одам** номли бадиий фильм, фильмдан кейин — **Сўнгги ахборот** (Ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Волейбол бўйича финал ўйинлар** («А» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Этик қийган мушук**, кечқурун **Трубадор**. 31/III да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Гулсара**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Тобутдан товуш**, 31/III да кундуз **Фурқат**, кечқурун **Олов**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Алпомиш**, кечқурун **Нурхон**, 31/III да кундуз **Икки билагузук**, кечқурун **Кимга тўй, кимга аза**.

КИНО

Махфий миссия — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Шайтон тузоғи — «МИР», «ЕШ ГВАРДИЯ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

99-маршрут — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
мактабларнинг баҳорги каникул кунларида 31 мартгача
ЯНГИ АТТРАКЦИОН
Анатолий Сокол
ЎЗ ЁРДАМЧИСИ—ЭЛЕКТРОН. МЕХАНИК КИШИ «РОБОТ» БИЛАН.
Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ДАВЛАТ АВТОИНСПЕКЦИЯСИ
15 апрелдан
РЕСПУБЛИКА
автомототранспортини ТЕХНИК КЎРИКДАН
ЎТКАЗИШГА КИРИШАДИ
Автохўжаликларнинг раҳбарлари ва якка машина эгалари ўз машиналарини қатнов қоидаларига жавоб берадиган ҳолатга келтириб, белгиланган давлат йиғимларини ўз вақтида тўласинлар.
Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг Милиция бошқармаси.

1963 йил 10 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй), (Физика-техника институтининг конференц-зали) қуйидагилар физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун
Диссертация ёқлайдилар
И. М. Бородицкий: «Огиши—5 дан—10° гача бўлиб, КС 3² га киradиган 850 та юлдузнинг тўғри чиқишлари каталоги ва Тошкент меридиан доирасида ўтказилган баъзи бир текширишлар» деган темада.
С. Азизов: «Co⁶⁰ гамма-нурлари таъсирида сегнет тузи ва кварцдаги баъзи хоссаларнинг ўзгариши» деган темада.
Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ- ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ
3 апрелдан
сиртқи ўқувчиларни
ЛАБОРАТОРИЯ-ИМТИҲОН СЕССИЯСИГА ЧАҚИРАДИ
Сессияга клуб бўлимининг (музика, хор, театр группаларининг) етти ва ўн йиллик маълумоти бўлган I ва II курс ўқувчилари, шунингдек кутубхоначилик бўлими (рус ва ўзбек группалари)нинг етти йиллик маълумоти бўлган III курс ўқувчилари келади.

ТОШКЕНТ СУТ КОМБИНАТИ
ҳар қанча миқдорда ярим литрли (МЕРТИК БУЙИНЛИ)
брак шишалар
СОТАДИ
Керакли маълумотлар 4-10-12-телефон орқали сўралсин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06291. Индекс 64543. Нашр. № 76.